

---

## Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Фурқат тумани “Томоша” маҳалла фуқаролар йиғини Мевазор, Дўстлик кўчаларида янги асфальтланган йўл яроқсиз ҳолатга келиб қолгани хақидаги видеоматериал эълон қилинди.

Фурқат тумани ҳокимлиги мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобил йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 49-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан Очиқ бюджет: “Менинг йўлим” лойиҳасида “Томоша” маҳалла фуқаролар йиғини Мевазор кўчасининг 2.7 км қисми ёлиб деб топилиб, “Brij engineering” МЧЖ томонидан асфальтлаштирилган. Мазкур лойиҳа дорирасида орттирилган маблағ ҳисобидан “Дўстлик” ҳамда “Шифокор” кўчаларининг 0.8 км қисми “Улуғбек қурувчи 1982” томонидан асфальтланган.

Дўстлик кўчаси “Улуғбек қурувчи 1982” томонидан совуқ об-ҳаво шароитида асфальтланганлиги ҳисобига сифатсиз бажарилганлиги сабабли қурувчи томонидан жорий йилнинг май ойида ўз маблағи ҳисобидан қайтадан асфальтланиши белгиланган.

Мевазор кўчасидаги асфальтнинг таъмирталаб қисми ушбу кўчада яшовчи томонидан эҳтиётсизлик оқибатида емирилган бўлиб, аҳоли вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида кўчанинг емирилган қисми фуқаро томонидан таъмирланиши билдирилган.

2023-03-09 08:46:39